

41нчи ракамли «Хуррият»да газетани давом килдирмок учун ноширлари тарафиндан берилгон карор ва обуна олмок тўгрисинда маним Каттакўргонга юборилмоклигим ёзилгон эди.

Мана, мазкур карордан бир неча кун ўтгандан сўнгра хусусий ишларимни биткуриб, 20нчи ўктябрда Каттакўргонга бормок учун йўлга чикдим.

Вагунда 2-3 бухорий ва бир эроний ила йўлдош бўлдим. Поезд жўнамасдан бурун русча-муслмонча турли газеталар сотгувчи бир русдан бир дона «Очик сўз» газетасини сотиб олдим ва баъзи мухимрок ўринларини (йўлдошларимнинг илтимослари бўйинча) ўкуб бердим. Шул муносабат билан эроний йўлдошимиз ила сўзга киришуб, уруш хабарлариндан ва урушгувчи давлатларнинг вазият ва холлариндан хейли сўйлашиб олдик.

Эроний йўлдошимизнинг замона ахволиндан хабардор, дин ва дунёдан хейли маълумотлик зот эканлиги сўзлариндан билинур эди. Шунинг учун анинг билан сухбатимиз кизиб колди, турли бойлардан таъоти афкор этдук. Олами исломнинг таданнисидан ва анинг сабаблариндан, лекин бу сўнг йилларда ислом оламинда хам бир оз интибох пайдо бўлуб, баъзи ўлкаларда муслмонлар уйгона бошлагонлариндан, Мисрда шайх Жамолиддин ва Мухаммад Абдухлар, бошка ўлкаларда хам шуларга ўхшаш неча улуг мужаххид кишилар, дохий ва файласуфлар чикиб, муслмонларни уйготмок учун килгон гайрат ва ижтиходларини бир-бир сўйлашиб ўтдук.

Бир вақт ёнимиздаки бухорий йўлдошларимизга карасак, онлар хур-хур ухлаб колиблар.

Киторимиз хам Каттакўргонга якинлашибдир. Нарсаларни йигиб бўлуб, вагун тризасиндан бошимни чиқариб ушбу йил ёмгурсизликдан экин бўлмагон ерларга карамок ила баробар турли фикрларга чўмуб кетдим. Зотан ёмгур кўб ёгон йилларда хам Туркистоннинг экинлариндан хосил бўлгон донлар ўз ахолисига зўрга етишур эди. Бу йил ёмгурсизликдан экинларнинг баракаси учуб, ўлкамиз кимматчилик устинда кахатчиликга хам дучор бўлди. Бу жихатдан кашшок ва камбагаллар, бева ва бечораларнинг тирикчи-лиги ниҳоятда огирлашди. Аммо буржуйлар, инсофсиз савдогарлар бу фурсатдан мингларча-миллионларча истифода килдилар ва килмокдалар.

Биз бойларимизнинг акча кўпайтурмокларига бахил ва хасад килмаймиз. Ёки дунё топмакни ёмон ва мазмум бир иш деб эътикод этмаймиз. Балки бизнинг бу сўзларимиздан муддаомиз бойларимизнинг кашшоклар холларига тараххум этмасликлари ва унларга шафкат ва мурувват кўрсатмасликларини айтиб ўтмакдир. Бой ва кашшок, табиий, хар ўлка ва хар миллатда бор. Мутамаддун миллатлар орасиндан бойлари кўб бўлуб, кашшоклари оздур. Аммо бизларнинг ярим маданий бўлгонимиз учун бойларимизга нисбатан кашшокларимиз ниҳоятда кўбдур. Бизлар билан маданий миллат орасиндан кўнгилни ачитатургон яна бир айирма шуки, унлар ўз кашшокларини кичикликдан бошлаб тарбият килалар, ўкуталар, одам килалар. Ва бу йўл билан ўз факирлик томуруни куруталар, мана шунинг учун маданий миллатлар орасинда факирлар кундан кун озаймакдадур ва гадойлик каби манфур одат йўк бўлмокцадур.

Энди бизлар ўз холларимизга бир йўла карасак, кўрамизки, бизнинг динимиз ислом факирларга бокмок тўгрисиндан турли йўллар кўрсатиб буйруklar килгондир... Хатто бойларга закот фарз килгонлигининг фалсафа ва хикматлариндан бириси, факир ва мискинларга мурувват этмакдир.

Мана мен ушбу фикр денгизинда чўмокда эдимки, киторимиз Каттакўргон мавкеъига етишиб кодди. Йўлдошларим билан хайрлашиб вагундан тушдим, Каттакўргондаги ёшлардан кадрлик дўстим Махбубхон афандининг манзилларига бордим.

Каттакўргон ахволиндан маълумот олмогим тўгрисинда менга рахбарлик этгучи мухтарам Махбубхон афанди бўлгонлари учун энг аввал бу зотни «Хуррият» ўкувчиларига озгина танитиб ўтмокчи бўламан:

Махбубхон афанди Каттакўргон улугзода ва бойбаччалариндан очик фикрлик бир зотдир. Мен мундан илгари (11нчи йил ноябр ойиндан 14нчи йилнинг сентябригача) тақрибан уч йил Каттакўргон русский-туземний мактабинда муаллимлик килгоним вақтларда хам доим бу киши билан сухбатдош бўлуб тургон эдим.

Яна букун мазкур афанди билан кўрушмакни Худо насиб килгон экан. Ховлиларига бориб кўришдук. Ахвол сўрашиб ва бир-икки пиёла чой ичишиб бўлгондан сўнг бу ерда на максад билан келганлигимни англадим. Бу муносабат билан Каттакўргоннинг «Хуррият»дан кейин кечирган холлариндан ва хозирги холиндан маълумот олмок

орзусинда бўлгонимни ҳам биддирдум.

Махбубхон афанди Каттакўргоннинг турли ахволиндан хейли маълумот бердилар. Сўзлариндан англашиладурки, инкилобдан сўнгра Туркистон ўлкасининг ҳамма еринда бўлгон ўзгаришлар бу ерда ҳам бўлуб ўтибдурки, бу табдилотнинг сиёсий, маданий ва диний жихатлариндан биз мусулмонларнинг лозиминча истифода килурга истеъдодсизлигимиз ва харакатсизлигимиз кўринуб турубдур. Бу инкилобдан кейин Русиядаги турли миллатлардан кўбиси ўзларининг истеъдод ва хозирликларига иш кўрдилар ва кўрмакдадурлар.

Маданий хозирликлари мукамалрок бўлгон миллатлар (финлар ва украинлар каби) Русия инкилобиндан кейин ўзларига оид ишларни ўз кўлларига олмок харакатинда бўлдилар ва ўз мақсадларига ҳам етиша бошладилар. Модомики, бизларнинг маданий хозирлигимиз йўқ эди, яъни ушбу замонга ярайтургон билги ва онгимиз йўқ эди, хуррият неъматлариндан керагинча истифода килолмай турамыз.

Саккизинчи сентябрда Каттакўргонда шахар думасининг сайлови бўлуб ўгубдур. Бу сайловда уламо, бойлар ва ёшлар муттафикан бир рўйхат тuzганлари сабабли сайлов гавгосиз ўтубдур. Аммо бу сайловда хотунларнинг иштирокига ижозат берилмабдур. Холбуки, хотунлар ҳам инсон болалари эди, уларнинг ҳам бу сайловга иштирок этмокга ҳақлари бор эди. Шахар думаси очилгондан кейин гласнийлар полковник Роес жанобларин шахар раисликига ўтқарибдирларки, бу ишлари ниҳоятда муносиб ва ўрунли бўлуб тушубдир. Чунки полковник Роес тақрибан ўн йилдан бери Каттакўргонда хоким бўлуб, бу орада аҳолига яхши муомаласи билан ўзини севдирган ақллик ва тадбирлик тўғри бир кишидир.

Мен уч йил Каттакўргонда тургон вақтимда ҳам бирон кишининг мундан шикоят килгонини эшитмаган эдим. Сурушдируб англагонимизга кўра, бу хокимнинг халк қошинда бу даражада мақбулият касб этгонлигининг сабаби ва хокимнинг фазилатлариндан баъзиси шу экан:

Полковник Роес жаноблари ҳеч бир тўғрида ҳеч кимдан ришват олмас экан. Доим бой ва кашшокни бир кўриб, бировнинг риояи хотири учун бошка бировга зулм ва жабр килмас эканлар. Миссионерлик фикри ва харакатида бўлмас экан.

Вокеан, бир киши золим ва мустабид Николай замонинда шунча яхши сифатли бўлгон эса унинг хидматларини такдир этмаслик ва унга кадршинослик юзиндан мукофот бермаслик инсоният сифатлариндан бўлмаса керак.

Мен 6 йил бурун Каттакўргонга муаллим бўлиб боргонимда бошлаб шул хокимининг қошига кирган эдим.

Хоким меним кимлигимни, нима учун келганлигимни сўраб жавобни олгондан сўнг шу мазмунда насихат ва таълимот берганлиги хануз эсимда бор: «Эшитаманки, Самаркандда мулло Абдукодир деган бир муаллим усули жади́д мактаби очиб болаларни яхши ўқутмоқда экан. Сиз ҳам ўшал муаллим каби болаларни яхши ўқутингиз. Болаларга шундай муомала килингизки, улар ҳам сиздан кўркунлар ва ҳам сизни севсунлар».

Мен умримда бир рус огзиндан мундай тўғри ва хайрихохона сўзларни биринчи дафъа эшитганим сабабли ниҳоятда шодлангон ва рухлангон эдим.

Каттакўргонда илгари тотор кардошларимизнинг мунтазам бир мактаблари бор эдики, бу мактаб ҳозирда ҳам давом килмоқда экан.

Каттакўргонда ерли аҳоли учун хануз янги бир мактаб очилмагонлиги сабабли баъзи кишилар ўз болаларини мазкур тотор мактабига элтиб кўймоқда эканлар.

Инкилобдан кейин бу ерда уламою агниё ва ёшлар тарафиндан «Равнак ул-ислом» исминда бир жамият очилгон бўлса ҳам, бу катта жамиятнинг улуг химмати кичкина бир «кироатхона» очмок билан тамом бўлгонга ўхшайдур. «Кироатхона»сини ҳам бориб кўрдум. 60—70 кадар мусулмоний, мундан ортуқрок русча турли рисола ва ки-тоблари ва 10-15 турли мусулмоний ва русий мажмуалари бор экан. Аммо бу нарсаларни ўқиятургон киши йўқ деярилик даражада оз кўринадир. Сабаби бўлса...маълум...

Самаркандда катта бир шаҳарнинг кироатхонаи исло-мияси ўн йилдан бери давом этиб ўзининг кундалик мутолаачисини хануз ўн нафарга еткура олмагонда Каттакўргон

кироатхонаси ўз мутолаачиларини нечук кўпайтирсун?

Барчага маълумким, бизнинг халк аксарият илмсиз бўлиб, илмилари орасинда бўлса фикри очилгони юзда бир нисбатда оздир. Муниг устинда, баъзи ёшлар ҳам ўзлари учун хусусий газета ва китоблар тадорик этиб кироат-хонага у кадар эhtiёжлари йўқдур. Энди бу холда кироат-хона учун мутолаачилар каердан келур?

Мана шунинг учун керакким, хар ерда кироатхонадан бурун мактаблар очилсун, фикри очик мутолаачилар етишдурулсун. Ундан кейин табиий кироатхона очмокга эhtiёж тушар.

Агарда бизнинг «Марваж ул-ислом» ва «Равнак ул-ис-лом» исмли жамиятларимизнинг чин максадлари исломга ривож ва равнак бермак ва мусулмонларни тараккий этдурмак бўлса, бошлаб мунтазам мактаблар очсунлар, сўнгра эски мадрасалардан фойдасиз хошияларни чикариб, аларнинг ўрнида кераклик илм ва фанларни киргузсунлар ва бу йўл билан мусулмонларни маорифдан бахраи об этиб, жахолатдан куткарсунлар. Шу холда дини мубини ислом ривож ва равнак топар. Мусулмонлар ҳам, шаксиз, икки дунёда масъуд бўлалар. Йўкса, жамиятларимизнинг ёлгуз тумтарокли исмлар такиб юрмаклари авом орасинда кўз бўёвдан иборат бўлиб, бечора мусулмонларни икки жахон оввораси килмокдан бошка фойдаси бўлмаса керак.

Шу хакикат ҳам маълумдирким, дунёда илмсиз хеч бир миллатнинг, илмсиз хеч бир диннинг тараккий ва ривож топганлигини тарих кўрсатмайдир.

*«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 29 декабрь*